

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУРДИЕВ ХУРШИД ҚОБИЛОВИЧ

**COVID – 19 ВА ЎПКАНИНГ ЙИРИНГЛИ ХИРУРГИК
ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН
БЕМОРЛАР КЛИНИК-РЕНТГЕНОРАДИОЛОГИК ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of the Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Турдиев Хуршид Қобилович

COVID-19 ва ўпканинг йирингли хирургик яллиғланиш касалликлари билан
хасталанган беморлар клиник-рентгенорадиологик дифференциал
диагностикаси ва даволаш усуллари 3

Турдиев Хуршид Кобилович

Клинико-рентгенорадиологическая дифференциальная диагностика и методы
лечения больных COVID – 19 и гнойными хирургическими воспалительными
заболеваниями легких 29

Turdiev Khurshid Kobilovich

Clinical and radiological differential diagnosis and treatment of patients with
COVID – 19 and purulent surgical inflammatory lung diseases 55

Эълон қилинган нашрлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 62

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

БУХОРО ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУРДИЕВ ХУРШИД ҚОБИЛОВИЧ

**COVID – 19 ВА ЎПКАНИНГ ЙИРИНГЛИ ХИРУРГИК
ЯЛЛИҒЛАНИШ КАСАЛЛИКЛАРИ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН
БЕМОРЛАР КЛИНИК-РЕНТГЕНОРАДИОЛОГИК ДИФФЕРЕНЦИАЛ
ДИАГНОСТИКАСИ ВА ДАВОЛАШ УСУЛЛАРИ**

14.00.27 – Хирургия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БУЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2024

Тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №B2022.1.PhD/Tib2540 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (хулоса)). Илмий кенгашнинг интернет саҳифасида (www.sammu.uz) ва "Ziynet" ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.).

Илмий раҳбар:	Сафоев Бақодир Барноевич тиббиёт фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар	Шербеков Улуғбек Ахрорович тиббиёт фанлари доктори, доцент
	Ғоибзода Алиджон Джурабой тиббиёт фанлари доктори, профессор
Ётақчи ташкилот	Витебск халқлар дўстлиги давлат ордени тиббиёт университети (Белоруссия Республикаси)

Диссертация ҳимояси 2024 йил «___» _____ соат _____ да Самарқанд давлат тиббиёт университети ҳузуридаги DSc.04/05.05.2023.Tib.102.03 Илмий кенгаш мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳар Амир Темур кўчаси 18-уй. Тел.: (+99866) 223-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; Веб-сайт: sammu@sammu.uz samgmi@mail.ru.

Диссертация билан Самарқанд давлат тиббиёт университети Ахборот-ресурс марказида (рўйхат рақами _____) танишиш мумкин. (Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд шаҳар Амир Темур кўчаси 18-уй. Тел.: (+99866) 223-08-41; факс: (+99866) 233-71-75; Веб-сайт: sammu@sammu.uz).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ юборилган.

(почта протоколи реестри 2024 йил _____ № _____).

Н.Н. Абдуллаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

К.В. Шмырина

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), доцент

З.Б. Курбаниязов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда «...COVID-19 пандемияси даврида рентген симптоми–хира шиша билан намоён бўладиган нафас олиш касалликларининг дифференциал диагностикаси масаласи айниқса долзарб бўлиб қолди...»¹. SARS-CoV-2 нинг биринчи тарқалиши Хитой Халқ Республикасининг Ухан шаҳрида 2019 йил декабрь ойида аниқланди ва 2020 йил 11 мартда пандемия ҳолати эълон қилинди. SARS-CoV-2 бутун дунё шифокорлари учун нотаниш бўлган янги касаллик бўлганлиги сабабли, ушбу касалликнинг диагностикаси ва дифференциал диагностикаси бўйича аниқ тавсиялар бугунги кунгача мавжуд эмас. Ушбу касаллик тўғрисидаги таҳлилларнинг охириги натижалари шуни кўрсатадики, касалликнинг рентгенрадиологик диагностика усуллари, унинг дифференциал диагностика ва даволаш вақтидаги динамик кузатиш учун COVID-19 билан боғлиқ асоратларни аниқлашнинг асосий омилidir.

Дунё бўйича эрта ташхис қўйиш ва хусусан, COVIDдан кейинги даврда реабилитация қилиш, касалликнинг олдини олиш (профилактика) учун ўзига хос бўлган қўшимча вакциналарни ишлаб чиқиш ва уларни синовдан ўтказиш бўйича жуда кўплаб тадқиқотлар олиб борилмоқда. Булардан ташқари ҳозирги кунда, рентгенологик диагностикада турли хилдаги ўзига хос аломатлар ва синдромларни ўрганиш бўйича ишлар мавжуд. Пневмония билан боғлиқ бўлган COVID-19 касаллиги ўпканинг йирингли яллиғланишли хирургик касалликлари бўлган беморларда рентгенологик тадқиқотларда аниқланган бир қатор аломатлар ва синдромларнинг турлича эканлиги аниқланди. COVID-19 ни бошқа носпецифик жарроҳлик яллиғланишли ўпка касалликларидан фарқлашдаги хатоликлар, айниқса ўпкада асоратлар мавжуд бўлганида, жиддий оқибатларга олиб келади. Аммо ҳозиргача ушбу касалликнинг диагностикаси ва дифференциал диагностикаси бўйича тадқиқотлар ўтказилган бўлсада, улар тўлиқ ўрганилмаган.

Мамлакатимизда касалликнинг клиник шакллари эрта комплекс ташхислаш мезонларини ўрганиш ва ишлаб чиқиш, янги ёндашувларни асослаш ва ўпканинг йирингли яллиғланишли касалликлари билан оғриган беморларни даволаш самарадорлиги ва реабилитациясининг асосий йўналишларини мониторинг қилиш параметрларини аниқлаш чоралари кўрилмоқда. Бундай вазифалар «...тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммавийлигини ошириш, шунингдек тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, диагностика ва даволашнинг юқори технологияли усуллари жорий этиш, патронаж ва диспансернинг самарали моделларини яратиш, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларнинг олдини олиш функцияси...»² қайд этилган. Вирусли этиологияга эга бўлмаган

¹ Карпина Н.Л., и соав. Дифференциальная диагностика впервые выявленных в легких изменений по типу «матового стекла» в период пандемии COVID -19: случай из клинической практики / Вестник рентгенологии и радиологии | Journal of Radiology and Nuclear Medicine | 2020 | Том 101 | №6 | 358–368

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

йирингли-яллиғланишли ўпка касалликларини дифференциал диагностикаси билан ўртача ва оғир COVID-19 бўлган одамларда COVID-19 нинг клиник ва рентгенологик текширувини баҳолаш бу борадаги муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 мартдаги "Коронавирус инфекцияси кенг тарқалишининг олдини олишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4649-сонли қарори ва 2020 йил 25 июлда "Коронавирус пандемиясини юмшатиш, санитария-эпидемиологик фаровонлик ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонларида тасдиқланган вазифаларни ва 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон "2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида"ги Фармони, 2021 йил 25 майдаги ПҚ-5124-сон, «Соғлиқни сақлаш соҳасини комплекс ривожлантириш чора-тадбирлар тўғрисидаги»ги , шунингдек ушбу соҳада қабул қилинган бошқа меъёрий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқотлари V1 республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди. "Тиббиёт ва фармакология".

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ўпка шикастланишини аниқлашда нур диагностикаси усуллари, айниқса асосий ўринни эгаллаши аниқланди. Йирингли яллиғланишли жарроҳлик ўпка касалликларининг намоён бўлиши бир томондан симптомларни яширади ва янги коронавирус инфекцияси (COVID-19) ташхисини кечиктиради. Бошқа томондан эса унинг ташхисига янги ёндашувларни талаб қилади ва янада оғир кечувчи шакллар билан бирлаштирган ҳолда патогенетик даволаш протоколларини кенгайтиришни назарда тутди. Шу билан бирга, мавжуд адабиёт манбаларида бактериал этиологияга эга бўлмаган ўпка касалликларининг ролини ўрганиш учун мақбул бўлган алгоритмлар ҳақида маълумотлар йўқ (Валишин Д. А. 2021).

COVID-19 муаммосига дуч келган барча мамлакатларда кўкрак кафаси аъзоларининг рентгенографияси муҳим диагностика усули бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби рентгенографиянинг МСКТ га нисбатан кенг тарқалганлиги бўлса, баъзи ҳолларда вирусли касалликларга гумон қилинган беморларни текшириш учун МСКТ нинг етарли даражадаги куч-частотасини аниқ белгилаб ололмастикдандир. МСКТ инфекциянинг тез-тез намоён бўлиши билан борадиган коронавируста ўпка шикастланишини аниқлашдаги ўта сезгир ва ўзига хос усулдир (NCIP – novel coronavirus infective pneumonia). Ушбу усул бирламчи ташхис қўйиш, шунингдек беморларни динамик кузатиш, бактериал пневмония ва тромбоземболияда кузатилиши мумкин бўлган асоратларни ташхислаш учун тўғри келади (Chakraborty С 2020).

Маълумки, ҳозирги шароитда нур диагностикаси ўпка шикастланишини бирламчи аниқлашда муҳим усул бўлиб ҳисобланади. Бу усул келажакда беморларни гуруҳларга ажратиш, вирусли этиологияли ўпка зарарланиши беморларда эътиборни кучайтириш учун сабаб бўлиши мумкин бўлган ўпка шикастланишининг тасвири, шунингдек дифференциал диагностикасини ихтисослашган мутахассисларнинг (фтизиатр, юқумли касалликлар бўйича мутахассис) кейинги маслаҳатини қабулхона бўлимида амалга оширилишига хизмат қилади. COVID-19 билан ишлайдиган кўпгина клиникаларнинг маълумотлари классик рентгенографиянинг паст сезувчанлиги ва ўзига хос хусусиятдалигини кўрсатди. Бунда ўзгаришларнинг паст зичлиги ва ўпкадаги шикастланишнинг интерстициал табиати туфайли МСКТ томонидан аниқланган сезиларли ҳажмдаги белгиларнинг умуман йўқ бўлмаслигини кўрсатди. Шунингдек, кейинги барча ҳолатларда рентгенография ўпканинг шикастланиш ҳажмини аниқ баҳолаб беролмайди (Сафонов Д. В., 2020).

Ҳозирги вақтда COVID-19 терапиясининг тенденциялари бир томондан схемалар, тавсиялар ва консенсус билан белгиланади, бошқа томондан эса улар клиник кўринишининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда ва касалликнинг оғирлиги даражасига қараб дори танлашга табақалаштирилган ёндашувни талаб қилади. Тизимли антибактериал терапия ва антисептиклар учун замонавий дори воситаларидан мантиқсиз фойдаланиш (оғир дисбактериоз ва бошқа ёт таъсирларни келтириб чиқаради) касалхоналарда полирезистент патоген микроорганизмларнинг шаклланишига ҳисса қўшади ва юқумли жараённи умумлаштирган ҳолатда ривожланишига олиб келиши мумкин (Гриневиц В. В. 2021; Anand П. 2020).

Юқорида келтирилган муаллифларнинг хулосалари ва далилларини инобатга олган ҳолда, ҳозирги кун вазиятидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, ўпканинг йирингли хирургик патологияси ва COVID-19 нинг рентгенографик дифференциал диагностикаси масаласи очиқ ва мунозарали бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Бухоро Давлат тиббиёт институтининг "Бухоро вилоятининг иссиқ иклимида COVID-19 дан кейин организмнинг патологик ҳолатларини эрта ташхислаш, даволаш ва олдини олишга янги ёндашувларни ишлаб чиқиш" (2022-2026) мавзусидаги илмий-тадқиқот режаси доирасида олиб борилган.

Тадқиқотнинг мақсади: COVID-19 ва ўпканинг йирингли хирургик яллиғланиш касалликларини эрта клиник ва рентгенологик дифференциал диагностикаси ва даволаш тактикасини мақбуллаштириш орқали ўпканинг йирингли хирургик касалликлари ва COVID-19 ни даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

COVID-19 билан касалланмаган беморларда ўпканинг йирингли хирургик касалликларини клиник- рентгенорадиологик кечишини ўрганиш;

COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг клиник-рентгенорадиологик кечишини ўрганиш;

Ўпканинг йирингли хирургик касалликлари ва COVID-19 билан касалланган беморларда касалликнинг клиник-рентгенорадиологик кечишини қиёсий таҳлил қилиш;

COVID-19 ва ўпканинг йирингли хирургик касаллиги бўлган беморларни клиник-рентгенорадиологик дифференциал диагностикаси ва даволаш тактикасининг мақбул алгоритмини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Бухоро вилоятида 2020 йилда COVID-19 билан касалланган 326 та ва Бухоро давлат тиббиёт институти клиникаларида охириги йилларда COVID-19 касаллигисиз ўпканинг йирингли хирургик касалликлари мавжуд бўлган 92 нафар беморларни қиёсий жиҳатдан даволаш натижалари ўрганилган.

Тадқиқотнинг предмети бўлиб COVID-19 ва ўпканинг йирингли хирургик касалликлари билан оғриган беморларда дифференциал диагностикани ишлаб чиқиш, клиник, биокимёвий, тактик ва техник жиҳатларини ўрганиш бўлиб ҳисобланади. Ўпканинг йирингли касалликлари ва COVID-19 билан кечувчи пневмонияга боғлиқ бўлган турли хил симптомлар ва синдромлар радиологик текширув орқали ўрганилган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация тадқиқотини ўтказиш ва қўйилган вазифаларни ҳал қилиш учун қуйидаги текшириш усуллари қўлланилган: тана ҳарорати, умумий клиник қон таҳлили, лейкоцитлар интоксикацияси индекси, SpO2%, қон ивиш тизими, шунингдек рентгенографик текшириш усуллари: рентгенография, ўпканинг МСКТ ва ултратовуш текшируви.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

COVID-19 билан оғриган беморлардаги клиник-рентгенорадиологик хусусиятлар ўпканинг йирингли хирургик яллигланиш касалликлари бўлган беморларни таққослаш орқали ўрганилган;

COVID-19 билан оғримаган аммо ўпкасида йирингли хирургик касаллиги бўлган ва COVID-19 билан касалланган беморларда клиник-рентгенорадиологик дифференциал диагностика ва даволаш тактикасининг мақбул алгоритми ишлаб чиқилган;

COVID-19 билан оғриган беморларда иккиламчи иммунитет танқислиги ҳолатини асослаш ўпканинг йирингли хирургик касалликлари билан оғриган беморларда иммунитетнинг асосий кўрсаткичларини ўрганиш орқали амалга оширилган;

COVID-19 билан оғриган беморларда Т-хужайрали иммунитет танқислиги ва лимфоцитларнинг фаоллашув белгиларининг кўпайиши билан борадиган ҳолат лимфоцитларнинг патологик фаоллашганлигини кўрсатган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

COVID-19 билан касалланмаган беморларда ўпка йирингли-хирургик касалликларининг клиник ва рентгенологик кечиши аниқланган;

COVID-19 билан оғриган беморларда касалликнинг кечишидаги клиник ва рентгенологик хусусиятлар ўпканинг йирингли-хирургик касалликларига нисбатан қиёслаш орқали аниқланган;

COVID-19 билан оғримаган, аммо ўпкасида хирургик касаллиги бўлган ва COVID-19 билан касалланган беморларда клиник-рентгенорадиологик дифференциал диагностика ва даволаш тактикасининг мақбул алгоритми ишлаб чиқилган;

ўпканинг йирингли хирургик касалликларида (плевра эмпиемаси, ўпка абсцесси) COVID-19 билан боғлиқ пневмониянинг ўзига хос клиник ва лаборатор диагностик белгилари: COVID-19 нинг клиник кўринишлари ўпканинг шикастланиш даражасига номутаносиблиги, септик ҳолатнинг жуда енгил даражаси ва бемор аҳволининг нисбатан қониқарли бўлишига қарамадан МСКТда оғир даражадаги ўзгаришларнинг мавжудлиги, ўпканинг жиддий шикастланиши бор бўлган беморларда бадан ҳароратининг аксарият ҳолларда $+38,5^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги ва ўпканинг йирингли хирургик касалликларига қараганда қон ивиш тизимида сезиларли даражадаги бузилишлар борлиги аниқланган;

кейинги иммунотроп терапияни тайинлашда асосий иммунологик мақсадларни аниқлаш учун ўпкасида хирургик касалликлари бўлган беморларда иммунитетнинг асосий ҳужайравий кўрсаткичларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар ўтказилди. Улардан олинган натижаларни таҳлил қилиш орқали COVID-19 билан касалланган беморларда иммунитетнинг ҳужайра даражасидаги CD38+ ва CD95+ нинг кескин ўсиши фонида CD3+, CD20+ нинг пасайиши каби ўзгаришлар аниқланган;

лимфоцитларнинг патологик фаоллашуви фонида иккиламчи чуқур Т-ҳужайрали иммунитет танқислигини кўрсатадиган CD38+ ва CD95+ лимфоцитларнинг молекуляр маркерлари фаоллашувининг ошиши идентификацияланган;

олиб борилган тадқиқотлар натижасида COVID-19 ва ўпканинг йирингли хирургик яллиғланишли касалликлари билан оғриган беморларни клиник-рентгенорадиологик дифференциал диагностика қилиш ва даволаш тактикасининг мақбул алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, амалиётда кенг қўлланиладиган клиник, лаборатор ва инструментал тадқиқот усулларидадан фойдаланиш билан тасдиқланган. Олинган барча натижалар ва хулосалар далилларни асосланган тиббиёт тамойилларига, шунингдек ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олинган хулоса, таклифларнинг назарий аҳамиятга молик эканлиги билан белгиланади ва ўпканинг йирингли хирургик касалликлари ва COVID-19 билан оғриган беморларни даволашнинг хусусиятларини ўрганишга самарали ҳисса қўшади. Беморларнинг клиник-рентгенорадиологик маълумотларини динамик

кузатиш ва таҳлил қилиш асосида COVID-19 касаллигининг кечишидаги клиник-рентгенорадиологик хусусиятлари ўрганилган.

COVID-19 билан касалланмаган, аммо ўпкасида хирургик патологияси бўлган ва COVID-19 билан касалланган беморларда клиник-рентгенорадиологик дифференциал диагностика ва даволаш тактикасининг мақбул алгоритми ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларини жорий қилиниши. COVID – 19 ва ўпканинг йирингли хирургик яллиғланиш касалликлари билан хасталанган беморлар клиник-рентгенорадиологик дифференциал диагностикаси ва даволаш усуллари бўйича олиб борилган илмий-тадқиқот натижалари асосида (Ўзбекистон Республикаси ССВ ҳузуридаги Илмий техник кенгашининг 22.10.2024 й. 07/88-сон хулосаси):

Биринчи илмий янгилик: COVID-19 билан оғриган беморлардаги клиник-рентгенорадиологик хусусиятлар ўпканинг йирингли хирургик яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни таққослаш орқали ўрганилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: COVID-19 билан оғриган беморлардаги клиник-рентгенорадиологик хусусиятлар ўпканинг йирингли хирургик яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни таққослаш бўйича таклифлар БухДТИ қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 21.10.2023 й. 23-м/115-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Метод клинико-рентгенорадиологической дифференциальной диагностики, при лечении больных с COVID-19 и гнойными хирургическими воспалительными заболеваниями легких» ва БухДТИ қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 20.04.2024 й. 24-м/073-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Алгоритм дифференциальной диагностики лечения больных с COVID-19 и гнойных хирургических заболеваний легких» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: РШТЎИМ Бухоро филиали 24.07.2024 й. 125-сон буйруғи, Бухоро вилоят юкумли касалликлар касалхонаси 23.07.2024 й. 100-сон, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси 22.07.2024 й. 1364-2-42ТВ/2024-сон буйруғи ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси 23.07.2024 й. 2785-2-208ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: COVID–19 билан оғриган беморлардаги клиник ва рентгенологик хусусиятлар ўпканинг йирингли яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни таққослаш орқали ўрганилишини инobatга олиниши, беморларни ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID–19 билан оғриган беморлардаги клиник ва рентгенологик хусусиятлар ўпканинг йирингли яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни таққослаш орқали ўрганилиши, бу ўз навбатида беморларнинг барчасида касалликнинг асоратларини олдини олишда инobatга олиниб даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш, касаллик асоратларини олдини олишга ҳамда беморларни сарфланадиган харажатларини 2 300 000 сўмга камайтиришга эришилди. Хулоса: COVID–19 билан оғриган беморлардаги клиник ва рентгенологик хусусиятлар ўпканинг йирингли яллиғланиш касалликлари бўлган беморларни таққослаш орқали

Ўрганилган бўлиб беморларнинг барчасида касалликнинг асоратларини олдини олишда даволашнинг замонавий технологияларидан фойдаланиш, кузатилиши мумкин бўлган асоратларни олдини олиш ҳисобига, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 2 300 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 350 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «COVID – 19 ва ўпканинг йирингли хирургик яллиғланиш касалликлари билан хасталанган беморлар клиник-рентгенорадиологик дифференциал диагностикаси ва даволаш усуллари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига БухДТИ ректори томонидан 2024 йил 06-сентябрдаги 04/7548-сонли хат юборилган.

Иккинчи илмий янгилик: COVID-19 билан оғримаган аммо ўпкасида йирингли хирургик касаллиги бўлган ва COVID-19 билан касалланган беморларда клиник-рентгенорадиологик дифференциал диагностика ва даволаш тактикасининг мақбул алгоритми ишлаб чиқилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: COVID-19 билан оғримаган аммо ўпкасида йирингли хирургик касаллиги бўлган ва COVID-19 билан касалланган беморларда клиник-рентгенорадиологик дифференциал диагностика ва даволаш тактикасининг мақбул алгоритми бўйича таклифлар БухДТИ қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 21.10.2023 й. 23-м/115-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Метод клинко-рентгенорадиологической дифференциальной диагностики, при лечении больных с COVID-19 и гнойными хирургическими воспалительными заболеваниями легких» ва БухДТИ қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 20.04.2024 й. 24-м/073-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Алгоритм дифференциальной диагностики лечения больных с COVID-19 и гнойных хирургических заболеваний легких» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: РШТЁИМ Бухоро филиали 24.07.2024 й. 125-сон буйруғи, Бухоро вилоят юқумли касалликлар касалхонаси 23.07.2024 й. 100-сон, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси 22.07.2024 й. 1364-2-42ТВ/2024-сон буйруғи ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси 23.07.2024 й. 2785-2-208ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID–19 билан оғримаган аммо ўпкасида жарроҳлик патологияси бўлган ва COVID–19 билан касалланган беморларда дифференциал диагностиканинг оптимал клиник ва рентгенорадиологик усули аниқланди ва ишлаб чиқилганлигини ҳисобга олиниши ривожланиши мумкин бўлган асоратларнинг камайтириш имкониятини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID–19 билан оғримаган аммо ўпкасида жарроҳлик патологияси бўлган ва COVID–19 билан касалланган беморларда дифференциал диагностиканинг оптимал клиник ва рентгенорадиологик усули аниқланди ва ишлаб чиқилганлигини ҳисобга олиниши: беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 3 кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 420 000 сўмга камайтирган (Бухоро вилоят юқумли касалликлар касалхонасининг прејскурантига кўра

шифохонада 1 кун қолиш 140.000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 90000 сўм дори воситалари сарфланади). Хулоса: COVID–19 билан оғримаган аммо ўпкасида жарроҳлик патологияси бўлган ва COVID–19 билан касалланган беморларда дифференциал диагностиканинг оптимал клиник ва рентгенорадиологик усули аниқланди ва ишлаб чиқилганлигини ҳисобга олиниши даволаниш самарасини оширишга даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, асоратларнинг камайтириш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «COVID – 19 ва ўпканинг йирингли хирургик яллиғланиш касалликлари билан хасталанган беморлар клиник-рентгенорадиологик дифференциал диагностикаси ва даволаш усуллари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига БухДТИ ректори томонидан 2024 йил 06-сентябрдаги 04/7548-сонли хат юборилган.

Учинчи илмий янгилик: COVID-19 билан оғриган беморларда иккиламчи иммунитет танқислиги ҳолатини асослаш ўпканинг йирингли хирургик касалликлари билан оғриган беморларда иммунитетнинг асосий кўрсаткичларини ўрганиш орқали амалга оширилган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: COVID-19 билан оғриган беморларда иккиламчи иммунитет танқислиги ҳолатини асослаш ўпканинг йирингли хирургик касалликлари билан оғриган беморларда иммунитетнинг асосий кўрсаткичларини ўрганиш бўйича таклифлар БухДТИ қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 21.10.2023 й. 23-м/115-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Метод клинко-рентгенорадиологической дифференциальной диагностики, при лечении больных с COVID-19 и гнойными хирургическими воспалительными заболеваниями легких» ва БухДТИ қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 20.04.2024 й. 24-м/073-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Алгоритм дифференциальной диагностики лечения больных с COVID-19 и гнойных хирургических заболеваний легких» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: РШТЎИМ Бухоро филиали 24.07.2024 й. 125-сон буйруғи, Бухоро вилоят юкумли касалликлар касалхонаси 23.07.2024 й. 100-сон, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси 22.07.2024 й. 1364-2-42ТВ/2024-сон буйруғи ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси 23.07.2024 й. 2785-2-208ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID–19 билан оғриган беморларда иккиламчи иммунитет танқислиги ҳолатини асослаш ўпка касалликлари билан оғриган беморларда иммунитетнинг асосий кўрсаткичларини ўрганиш орқали амалга ошириш ўз навбатида мазкур касалларда асоратларнинг камайтириш ҳисобига ижтимоий самарадорликни ошириш имкониятини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги қуйидагилардан иборат: COVID–19 билан оғриган беморларда иккиламчи иммунитет танқислиги ҳолатини асослаш ўпка касалликлари билан оғриган беморларда иммунитетнинг асосий кўрсаткичларини ўрганиш орқали амалга

оширилганлиги: беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 3,0 кундан 5,0 кунгача кунга қисқартириб, шифохонада қолиш тўлов миқдори 700 000 сўмга камайтирган (Бухоро вилоят юқумли касалликлар касалхонасининг прејскурантига кўра шифохонада 1 кун қолиш 140.000 сўмни ташкил қилади); шифохонада бўлиш даврининг бир неча кунга қисқартирилиши ҳисобига дори-дармон кам талаб этилган (1 кунга ўртача 90000 сўм дори воситалари сарфланади). Хулоса: COVID–19 билан оғриган беморларда иккиламчи иммунитет танқислиги ҳолатини асослаш ўпка касалликлари билан оғриган беморларда иммунитетнинг асосий кўрсаткичларини ўрганиш орқали амалга оширилганлигини инобатга олиниши, ушбу беморларни даволаш натижаларига сезиларли ижобий таъсир кўрсатиб, касаллик асоратларини камайтириш имконини беради. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «COVID – 19 ва ўпканинг йирингли хирургик яллиғланиш касалликлари билан хасталанган беморлар клиник-рентгенорадиологик дифференциал диагностикаси ва даволаш усуллари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига БухДТИ ректори томонидан 2024 йил 06-сентябрдаги 04/7548-сонли хат юборилган.

Тўртинчи илмий янгилик: COVID-19 билан оғриган беморларда Т-хужайрали иммунитет танқислиги ва лимфоцитларнинг фаоллашув белгиларининг кўпайиши билан борадиган ҳолат лимфоцитларнинг патологик фаоллашганлигини кўрсатган. Илмий янгиликнинг аҳамияти: COVID-19 билан оғриган беморларда Т-хужайрали иммунитет танқислиги ва лимфоцитларнинг фаоллашув белгиларининг кўпайиши билан борадиган ҳолат лимфоцитларнинг патологик фаоллашганлиги бўйича таклифлар БухДТИ қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 21.10.2023 й. 23-м/115-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Метод клинико-рентгенорадиологической дифференциальной диагностики, при лечении больных с COVID-19 и гнойными хирургическими воспалительными заболеваниями легких» ва БухДТИ қошидаги Эксперт кенгаши томонидан 20.04.2024 й. 24-м/073-сонли хулосаси билан тасдиқланган «Алгоритм дифференциальной диагностики лечения больных с COVID-19 и гнойных хирургических заболеваний легких» номли услубий тавсияномалар мазмунига сингдирилган. Илмий янгиликнинг амалиётга жорий қилиниши: РШТЎИМ Бухоро филиали 24.07.2024 й. 125-сон буйруғи, Бухоро вилоят юқумли касалликлар касалхонаси 23.07.2024 й. 100-сон, Бухоро шаҳар тиббиёт бирлашмаси 22.07.2024 й. 1364-2-42ТВ/2024-сон буйруғи ва Когон шаҳар тиббиёт бирлашмаси 23.07.2024 й. 2785-2-208ТВ/2024-сон буйруқлари билан амалий фаолиятига жорий қилинган. Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Т-хужайрали иммунитет танқислиги бостирилиши ва лимфоцитларнинг фаоллашув белгиларининг кўпайиши билан борадиган ҳолат лимфоцитларнинг патологик фаоллашганлигини кўрсатганлиги, аниқланган бўлиб, улар ўз навбатида, ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш имконини беради. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: Т-хужайрали иммунитет танқислиги бостирилиши ва

лимфоцитларнинг фаоллашув белгиларининг кўпайиши билан борадиган ҳолат лимфоцитларнинг патологик фаоллашганлигини кўрсатганлиги ривожланиш эҳтимоли юқори бўлган ҳаётга хавф туғдирувчи асоратларни олдини олиш ҳисобига беморнинг шифохонада қолиш муддатини ўртача 3,0 кунга қисқартириб, 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 420 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 90 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Хулоса: Т-хужайрали иммунитет танқислиги бостирилиши ва лимфоцитларнинг фаоллашув белгиларининг кўпайиши билан борадиган ҳолат лимфоцитларнинг патологик фаоллашганлигини кўрсатганлигини даволаниш жараёнида инобатга олинишини шифохона амалиётига жорий қилиниши 1 нафар бемор ҳисобига бюджет маблағларини 420 000 сўмга ва бюджетдан ташқари маблағларни 90 000 сўмга иқтисод қилиш имконини берди. Илмий янгиликдан кенгайтирилган ҳолда фойдаланиши: «COVID – 19 ва ўпканинг йирингли хирургик яллиғланиш касалликлари билан хасталанган беморлар клиник-рентгенорадиологик дифференциал диагностикаси ва даволаш усуллари» мавзусида илмий янгиликларни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Соғлиқни сақлаш вазирлигига БухДТИ ректори томонидан 2024 йил 06-сентябрдаги 04/7548-сонли хат юборилган.

Тадқиқот натижаларини апробация қилиш. Ушбу тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияси ва съездида тақдим этилган ва эълон қилинган.

Тадқиқот натижаларини нашр этиш. Диссертация мавзуси бўйича диссертациянинг асосий илмий натижаларини эълон қилиш учун 22 та илмий нашр чоп этилган, шундан 14 та илмий мақола, улардан 6 таси Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган журналларда , 8 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулосалар, амалий тавсиялар, ҳаволалар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги, мақсади ва вазифалари асосланиб, ўрганиш объекти ва предмети тавсифланган. Тадқиқотларнинг республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган бўлиб, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тақдим этилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий моҳияти очиб берилган. Тадқиқот натижаларини соғлиқни сақлаш амалиётига татбиқ этиш тўғрисидаги маълумотлар келтирилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисидаги маълумотлар тақдим этилган.

Диссертациянинг **“Йирингли ўпка касалликлари ва COVID-19 билан оғриган беморларнинг этиопатогенези ва даволаш муаммосининг ҳозирги ҳолати (адабиёт шарҳи)”** деб номланган биринчи бобида замонавий адабиётлар, шу жумладан турли муаллифларнинг COVID-19 ва ўпканинг

йирингли хирургик касалликларини клиник-рентгенорадиологик дифференциал диагностикаси ва даволашнинг замонавий қарашларига бағишланган тадқиқотларнинг натижалари таҳлил қилинган. COVID-19 ва ўпканинг йирингли жарроҳлик касалликлари билан оғриган беморларни дифференциал диагностикасининг роли муҳокама қилинган.

Диссертациянинг “**Материал, тадқиқот усуллари ва даволаш**” деб номланган иккинчи бобда беморларга клиник хусусиятлар берилган ва уларга қўлланиладиган даволаш воситалари, клиник-лаборатор ва инструментал тадқиқот усуллари тавсифланган.

Даволашни қўллаш усулига асосан барча беморлар 2 гуруҳга бўлинган: I таққослаш гуруҳи ва II асосий. Ҳар бир гуруҳ ўз навбатида яна 2 та А ва Б кичик гуруҳларга бўлинган. I А кичик гуруҳда 36 та бемор бўлиб, улар плевра эмпиемаси ташҳиси қўйилган беморлар назорат гуруҳи умумий сонининг 39,1% ташкил қилади. Ўпканинг ўткир абсцесси ташҳиси мавжуд бўлган 56 (60,9%) бемор I Б гуруҳни ташкил қилади. II асосий гуруҳдаги беморлар сони 326 та бўлиб, улардан 102 тасида (31,3%) ўртача ва 224 тасида (68,7%) оғир даражадаги COVID-19 асоцирланган пневмонияси бўлган беморлар ташкил қилади (31.07.2020 йилдаги 6-сонли протокол бўйича). Тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, мутаносиблигини сақлаш мақсадида I ва II гуруҳга қандли диабет, ўткир юрак-қон томир, буйрак ва жигар етишмовчилиги каби оғир ҳамроҳ касалликлари бўлган беморлар киритилмаган.

I назорат гуруҳидаги 92 беморга анъанавий даволаш усули қўлланилган, жумладан: консерватив, антибактериал, умумий кувватловчи, симптоматик ва эндобронхиал санацияловчи бронхоскопия. II – асосий гуруҳдаги 326 нафар беморларда даволаш усули Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган 6-сонли COVID-19 ни текшириш ва даволаш бўйича 31.07.2020 йилдаги 6-сонли протоколга мувофиқ амалга оширилган. Ушбу протоколга асосан, COVID-19 билан оғриган беморлар касалликнинг кечиши ва оғирлик даражасига қараб шартли равишда 4 та гуруҳга бўлинган. Бемор аҳволининг оғирлик даражасига мувофиқ ҳолда тадқиқот ва даволаш доираси бўйича аниқ тавсиялар берилган. Биз томондан ўрганилган барча беморларнинг аҳволи ўртача ва оғир даражадаги беморлар гуруҳига мансуб бўлган.

I қиёслаш гуруҳини 17 ёшдан 76 ёшгача бўлган 59 (64,1%) эркаклар ва 33 (35,9%) аёллар (ўртача ёш $48,4 \pm 2,1$) ташкил этган.

II асосий гуруҳда 17 ёшдан 76 ёшгача бўлган 141 (43,2%) эркаклар ва 185 (56,8%) аёллар (ўртача ёш $49,4 \pm 1,8$) бўлиб, улар жинси ва ёши бўйича таққосланган.

I А кичик гуруҳдаги плевра эмпиемаси бўлган барча 36 (39,1%) беморлар COVID-19 га чалинмаган ҳолда пневмониянинг асоратланган оғир шакли билан клиникага ётқизилган.

I Б кичик гуруҳдаги текширилган 56 беморлардан 39 таси (69,6%) ўпка абсцессининг ўткир шакли, 17 таси (30,4%) сурункали ўпка абсцесси билан клиникага ётқизилган.

Объектив кўрувда: нафас қисиши, цианоз, тахикардия ва беҳоллик, 35% ҳолларда мажбурий ҳолат ва доимий равишдаги юқори тана ҳарорати аниқланган. Ҳар бир гуруҳ беморларидаги клиник кўринишлар ва олинган тадқиқот натижаларининг батафсил таҳлиллари диссертация ишининг тегишли бобларида тақдим этилади.

I А қиёслаш кичик гуруҳидаги беморларга қабул қилинган кундан бошлаб шошилиш равишда консерватив эмпирик антибиотик терапия бошланди, кейинчалик плевра бўшлиғидаги йирингли таркибни экиш орқали микрофлоранинг сезгирлиги аниқлангандан кейин антибиотиклар алмаштирилди. Қабул қилинган пайтдан бошлаб барча беморларга тана ҳарорати, нафас олиш сони, ўпканинг объектив текшируви (аускультация, перкуссия), ўпка спирографияси, пульсоксиметрия, рентген текшируви ва керак бўлганда кўкрак қафаси МСКТ ўтказилди. Клиник- рентгенрадиологик тадқиқотлар натижаларига мувофиқ I А гуруҳидаги барча беморларнинг плевра бўшлиғини экссудатдан тозалаш учун дренажлаш амалга оширилди.

I Б кичик гуруҳидаги беморларда юқоридагиларга қўшимча равишда кўрсатмаларга мувофиқ санацияловчи бронхоскопияси ўтказилди ва ўпкадаги йирингли ўчоқни назотрахеобронхиал дренажлаш амалга оширилди.

II - асосий гуруҳ беморларида консерватив даволаш усули 31.07.2020 йилдаги 6-сонли протокол асосида вирусларга қарши антиковид дорилар билан тўлдирилди.

Бугунги кунга қадар SARS-COV-2 коронавирусини даволаш учун самарали вирусга қарши дори воситалари яратилмаган, шу сабабдан терапевтик дори воситаларини излаш ва яратиш жуда долзарбдир.

SARS-COV-2 вирусининг ҳаётий фаолияти ва кўпайишида ҳал қилувчи ролни коронавируснинг консерватив оқсиллари - протеаз 3CLpro ва РНКга боғлиқ РНК-полимераза RdRP ташкил этади.

Касалликка ташҳис қўйиш беморнинг шикоятлари, уларнинг оғирлиги, анамнези, касалликнинг давомийлиги, беморни клиник ва объектив текшириш натижаларини таҳлил қилишдан бошланди. Анамнез йиғиш вақтида касалликнинг ривожланишидаги этиологик омиллар (касалликдан олдинги, гипотермия, тананинг реактивлигининг пасайиши) аниқланди. Шунингдек шикоятларнинг табиати ва давомийлиги (йўтал, йирингли балғам ажралиши, қон тупуриш, нафас қисиши, кўкракдаги оғриқ, умумий тана ҳароратининг ошиши), биргаликда ва фон патологияси, интоксикация, нафас етишмовчилиги, сепсис белгилари аниқланди. Барча беморларда қон ва сийдикнинг умумий таҳлили, қоннинг биокимёвий кўрсаткичлари ўтказилди, ИФА учун қон олинди, ЭКГ ўтказилди. Беморда ҳамроҳ касаллик аниқланганда, уларга тегишли мутахассислар маслаҳати ташкиллаштирилиб, махсус текширувлардан ўтказилди. Периферик қоннинг умумий таҳлили автоматик тарзда ишлайдиган гематологик анализатор CELL-DYN 3700 ёрдамида оч қоринга ёки бемор қабул қилинган кунда енгил нонушта қилинганидан бир соат ўтгач, операциядан кейинги 5- ва 14-кунларда ўтказилди. Лейкоцитоз ва қоннинг лейкоцитлар формуласига алоҳида

эътибор берилди. Лейкоцитлар интоксикацияси индекси (ЛИИ) - нейтрофил лейкоцитларнинг лимфоцитлар, моноцитлар ва эозинофилларга нисбати ва лимфоцитик индекс (ЛИ) ҳам алоҳида баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси инсон иммунологияси ва геномикаси институтининг фундаментал иммунология лабораториясида ўпка касалликлари билан оғриган беморларнинг иммун ҳолати ўрганилди. СД38+ ва СД95+ фаоллашув маркерлари Россия Федерацияси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Иммунология институти ва Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Иммунология институти томонидан ишлаб чиқилган кўрсатмаларга мувофиқ моноклонал антитаначалар ёрдамида аниқланган.

Артериал қон ва тананинг кислород билан тўйинганлик даражасини аниқлаш учун SpO₂ кўрсаткичи пулсоксиметр ёрдамида ўрганилди (Хитойда ишлаб чиқарилган Pulse Oximeter). Pulse Oximeter қурилмасини бемор бармоғининг тирноқ фалангасига маҳкамлаш орқали тўқималардаги SpO₂ кўрсаткичи аниқланди.

Олинган натижалар маълумотларини математик қайта ишлаш вариацион статистика усуллари билан амалга оширилди. Вариацион статистика усули ўртача арифметик (M), унинг хатоси ($\pm m$), 95% ишонч оралиғи СИ, турли амалий даражадаги (P) Стьюдент мезонини (t) аниқлаш учун ишлатилган. $P < 0,05$ даги натижалар ишончли саналади.

Диссертациясининг **“Ўпканинг йирингли-хирургик касалликлари билан оғриган беморларни текшириш натижалари”** деб номланган учинчи бобида беморларни анъанавий даволаш самарадорлигига баҳо берилган. I-A кичик гуруҳига плевранинг йирингли жарроҳлик касалликлари бўлган 36 бемор киритилган. Улардан 22 таси (61,1%) плевра эмпиемаси билан асоратланган инфилтрация босқичидаги ўпканинг йирингли яллиғланишли касаллиги (шаклланмаган ўпка абсцесси), 14 таси (38,9%) экссудатив плеврит билан асоратланган пневмонияли беморлардир. Ташхиснинг умумий клиник белгилари: иситма, йўтал, балғам кўчиши билан касалликнинг ўткир бошланиши, перкуссия товушининг қисқариши, маҳаллий аускултатив белгилар. Шунингдек жисмоний белгилар, нейтрофил силжиш билан намоён бўлувчи лейкоцитоз (лейкопения), рентген текшируви ўпка тўқималарида аниқланадиган янги инфилтрат.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, I A кичик гуруҳидаги беморларга қабул қилинган кундан шошилиш равишда консерватив эмпирик антибиотик терапия бошланди, кейинчалик йирингли таркибни экиш орқали микрофлоранинг антибиотикларга сезувчанлиги аниқланганиб, мос равишда антибиотиклар алмаштирилди. Беморлар қабул қилинган пайтдан бошлаб уларда тана ҳарорати ўлчанди, нафас олиш тезлиги, ўпканинг объектив текшируви (аускултация, перкуссия), ўпка спирографияси, пулсоксиметрия аниқланди, рентгенологик текширув ва кўрсатмага асосан кўкрак қафасини МСКТ амалга оширилди. Клиник-рентгенорадиологик тадқиқотлар натижаларини ҳисобга олган ҳолда, I A гуруҳидаги барча беморларда плевра бўшлиғидаги экссудатни тозалаш мақсадида дренажлаш амалга оширилди.

Қўлланилган муолажаларнинг самарадорлик даражаси рентгенорадиологик ва клиник тадқиқотлар (рентген, МСКТ) натижаларининг динамикаси билан баҳоланди. Ўпка тўқималарининг ҳолати ва ўпканинг шикастланиш даражаси плевра бўшлиғи экссудатдан тўлик тозалангандан кейин МСКТ ёки рентген текшируви орқали баҳоланди. Кейинчалик илмий ишнинг мақсад ва вазифаларига асосланиб, юқорида келтирилган муолажаларнинг самарадорлиги COVID-19 билан касалланган беморлардаги рентгенорадиологик маълумотлар билан қиёсий таҳлил қилинди.

Қиёслаш I A кичик гуруҳидаги ўпканинг йирингли касалликлари бўлган беморларда интоксикация кўрсаткичлари натижаларини таҳлил қилиш орқали қуйидаги ўзгаришлар аниқланди: даволанишнинг биринчи кунда беморларнинг тана ҳарорати ўртача $38,9 \pm 0,08^{\circ}\text{C}$, қон лейкоцитларнинг миқдори $9,70 \pm 0,06 \times 10^9/\text{л.}$, ўртача молекулаларнинг ҳажми $0,192 \pm 0,005$ бирликни ташкил этди. Шунга мос равишда ЛИИ ва ЭЧТнинг ўсиши қайд этилди.

Даволашнинг еттинчи кунда ўпканинг йирингли касалликлари билан таққослаш гуруҳидаги беморларда тана ҳароратида ўзгариш мавжуд эди ($38,02 \pm 0,11^{\circ}\text{C}$). Шу билан бирга, танадаги интоксикациянинг барча кўрсаткичларида: қоннинг Л, МСМ, ЛИИ ва ЭЧТ, уларнинг янада пасайиши қайд этилди, яъни меъёрлашув кўрсаткичи кузатилди – $7,60 \pm 0,24 \times 10^9$; $0,161 \pm 0,004$; $1,70 \pm 0,03$; $35,90 \pm 2,01$ мос равишда. Даволашнинг ўн тўртинчи кунга келиб, бу рақамлар, гарчи улар янада пасайиш кўрсаткичига эга бўлсада, меъёрдан юқори бўлиб қолди.

Даволаш ва кузатишнинг йигирманчи кунга келиб, қонда ЭЧТдан ташқари барча кўрсаткичлар меъёрий чегарада эканлиги аниқланди.

Кейинчалик беморларнинг аҳволини баҳолаш $\text{SpO}_2\%$ кўрсаткичи билан ўрганилди. I A кичик гуруҳидаги беморларда қабул қилинган кундаги $\text{SpO}_2\%$ кўрсаткичи одатдагидан камроқ эканлиги аниқланди - $94,20 \pm 0,08\%$.

Даволаш жараёнида SpO_2 индексининг секин суръатларда меъёрийлашиш хусусиятига эга эканлиги аниқланди. Даволашнинг учинчи кунда $\text{SpO}_2\%$ нинг динамик ўсиш эгрилиги сезиларсиз бўлиб, даволашнинг 6-7 кундан бошлаб ижобий динамика кузатилди ва кўрсаткич $94,70\% \pm 0,50\%$ гача етди. Ўртача $\text{SpO}_2\%$ индексининг ўсиши дастлабки кўрсаткичнинг $0,7\%$ гача, 20-кунга келиб динамик ўсиш $98,30 \pm 0,76\%$ ни ташкил қилди. Бу дастлабки кўрсаткичлардан сезиларли даражада, яъни ўртача $4,0\%$ га фарк қилади.

I A кичик гуруҳини стационар даволанишдаги ўртача давомийлиги $19 \pm 2,3$ ётоқ кунини ташкил этди.

Йирингли жараённинг табиати ва инфекция даражасини баҳолаш учун микробларнинг ифлосланиш даражаси, плевра экссудатидаги микрофлоранинг турлар бўйича таркиби аниқланди. I A кичик гуруҳининг плевра бўшлиғи экссудатидан уруғланган микрофлоранинг тур таркибини ўрганишда қуйидагилар аниқланди: аксарият ҳолларда 36 бемордан 21 тасида

(58,3%) патоген стафилококклар (*Staphylococcus aureus*), шундан 8 таси (22,2%) монокултура шаклида ва 8 таси (36,1%) микроблар ассоциацияси кўринишида. Пневмококк 9 (25,0%) , *E. coli* 3 (8,3%) ҳолатда эҳмада аниқланди. Кейинги 1 (2,7%) ҳолатда *proteus*- аниқланган.

I А кичик гуруҳидаги беморларни МСКТ қилиш вақтида, экссудатни плевра бўшлиғидан олиб ташлангандан ва тадқиқотнинг кейинги динамикасида сўнг, бир қатор қизиқарли ҳолатлар аниқланди. КТ текширувида интерлобулар плевра билан алоқа қилиш жойларидан мустасно сифатида ўпка тўқималарининг аниқ контурсиз қалинлашув майдони аниқланди. Кенг асосли қовурға ёки интерлобулар плеврага бириккан йирингли ўчоқнинг субплеврал жойлашуви рентгенографияга қараганда аксиал кесмаларда аниқроқ аниқланади. Некротик инфилтрат юмшоқ тўқима зичлигида бўлиб, бир хил тузилишга эга ва унда бронхлар бўшлиғи кўринмайди. Шу билан бирга ўпканинг тегишли бўлагидаги бронх бўшлиғи ўзгармайди. Кўпинча аксиал кесимларда йирингли инфилтрат ичида сегментар бронхларнинг ёки улардаги шохларнинг узилишини кўриш мумкин.

I А кичик гуруҳидаги 36 беморни МСКТ текшируви натижасида қуйидагилар аниқланди: 21 та (58,3%) беморда плевра эмпиемаси ўнг томонда, 15 та (41,7%) беморда эса чап томонда жойлашган.

14 (38,8%) беморда плевранинг диффуз эмпиемаси ва 22 (61,2%) беморда чегараланган плеврит аниқланди.

Белгиланган мақсад ва вазифалар, ўпканинг йирингли касалликлари билан оғриган I Б кичик гуруҳи беморларини ўрганиш натижаларига асосланиб бу гуруҳидаги беморларда кейинги тадқиқотларни ўтказишга қарор қилинди.

Шу мақсадда, даволаш мажмуасида, ўпка абсцесси бўлган 56 бемор текширилди. Уларга анъанавий консерватив даволанишдан ташқари антибактериал ва балғамни суюлтирувчи дорилар буюрилди ва ҳар куни кўшимча эндобронхиал санация ўтказилди.

Ўпка абсцесси билан текширилган беморларнинг 60% оғир ва 40% ўртача оғирлик ҳолатида қабул қилинган. Улардаги шикоятлар: ҳаво етишмаслиги ҳисси, қўланса ҳидли кучли йўтал (30% беморда), йирингли балғам чиқиши, енгил жисмоний зўриқишда аралаш турдаги нафас қисиши, доимий юқори ҳарорат, терлаш, нафас олиш ва йўтал билан кучайган беҳоллик.


Бу беморларда объектив равишда бор эди: нафас қисилиши, цианоз, тахикардия, ҳолсизлик, 35% ҳолларда тананинг мажбурий ҳолати, доимий равишда юқори тана ҳарорати $+39^{\circ}\text{C}$ дан $+40^{\circ}\text{C}$ гача.

Таққослаш I Б кичик гуруҳида ўпканинг йирингли касалликлари билан оғриган беморларда интоксикация кўрсаткичлари натижалари ўрганилганда қуйидаги ўзгаришлар аниқланди: даволанишнинг биринчи кунида I Б кичик гуруҳидаги беморларнинг тана ҳарорати ўртача $39,30 \pm 0,04^{\circ}\text{C}$ ташкил этди, қондаги лейкоцитлар миқдори ўртача $9,90 \pm 0,39 \times 10^9/\text{л}$. Ўртача молекулалар

ҳажми $0,198 \pm 0,010$ бирликни ташкил этди. Шуларга мос равишда ЛИИ ва ЭЧТнинг ўсиши қайд этилди.

Даволашнинг ўн тўртинчи кунига келиб, бу рақамлар, гарчи улар янада пасайиш тенденциясига эга бўлса-да, меъёрдан юқори бўлиб қолди.


Йигирманчи кунга қадар кейинги даволаниш ва кузатув жараёнида қондаги ЭЧТдан ташқари барча таҳлил қилинган интоксикация кўрсаткичлари меъёр чегараларида эди. I А ва I Б кичик гуруҳи беморларнинг $SpO_2\%$ кўрсаткичларини қиёсий тақослаш натижалари куйидагича:



Расм 1. I А ва I Б кичик гуруҳи беморларнинг сатурация натижаларини қиёсий таҳлили.

I Б кичик гуруҳини стационар даволашнинг ўртача давомийлиги $20 \pm 2,3$ ётоқ кунини ташкил этди.

I Б кичик гуруҳидаги 56 бемордан 32 (57,1%) тасида йирингли ўчоқнинг ўнг томонлама, 24 (42,9%) тасида эса чап томонлама жойлашуви аниқланган. 32 беморнинг 10 (31,3%) тасида ўнг томонда жойлашган йирингли ўчоқ ўпканинг юқори бўлагиди, 13 (40,6%) беморда пастки ва 9 (28,1%) беморда ўрта бўлагиди жойлашган. Чап ўпкада йирингли ўчоғи бўлган 24 бемордан 17 (70,8%) тасида абсцесс ўпканинг пастки, 7 (29,2%) тасида юқори бўлагиди жойлашганлиги аниқланган.



Расм 2. Беморларнинг I Б кичик гуруҳида абсцесс бўшлиқлари ҳажмини камайиш динамикаси (n=56).

I Б кичик гуруҳидаги беморларни мултиспирал компьютер томографияси текшируви пайтида қуйидаги хусусиятлар аниқланди:

юқорида таъкидлаб ўтилганидек, I Б кичик гуруҳдаги 56 нафар беморнинг 39 нафарини (69,6%) ўткир абсцесс билан, 17 нафарини (30,4%) - сурункали абсцесснинг кўзиш давридаги беморлар ташкил қилди.

Ўткир ўпка абсцесси билан текширилган беморларда рентгенорадиологик кечишнинг хусусиятлари.

I Б кичик гуруҳининг ўпка ўткир абсцесси бўлган 14 беморни мултиспирал компьютер томографияда текширганда қуйидаги хусусиятлар аниқланди: пиоген қобик ёрдамида атрофдаги ўпка тўқимасидан некротик массаларни аниқ ажралиши, некроз соҳасининг йирингли эриши. Патологик жараён одатда битта, камдан-кам ҳолларда эса иккита бронхопулмонал сегментни эгаллаган.

МСКТ текширувида интерлобулар плевра билан алоқа қилиш жойларидан мустасно сифатида ўпка тўқималарининг аниқ контурсиз қалинлашув майдонини аниқланди. Кенг асосли қовурға ёки интерлобулар плеврага бириккан йирингли ўчоқнинг субплеврал жойлашуви рентгенографияга қараганда аксиал кесмаларда аниқроқ аниқланади. Некротик инфилтрат юмшоқ тўқима зичлигида бўлиб, бир хил тузилишга эга эканлигини ва йирингли инфилтрат ичида сегментар бронхларнинг ёки улардаги шохларнинг узилишини кўриш мумкин. Кичик ўлчамдаги инфилтратнинг шакли юмалоқ ёки овалдир. Суюқлик кўпинча плевра бўшлиғида аниқланади.

Шундай қилиб, юқоридаги санаб ўтилган барча рентгенорадиологик тадқиқотлар таҳлилларининг натижалари, бактериологик этиологияга эга бўлган ўпка абсцессининг кечиш хусусиятлари шуни кўрсатдики, йирингли ўчоқнинг ёрилиб очилиш босқичигача бўлган даврдаги клиник кечиши турли хил этиологиядаги пневмониянинг кечишига ўхшаб кетади. Буларнинг

барчаси COVID-19нинг пневмония билан асоратланган ҳолда кечишини синчковлик билан дифференциация қилишни талаб қилади.

Диссертациянинг **“Пневмония билан асоратланган COVID-19 да беморларни текшириш натижалари”** деб номланган тўртинчи бобда COVID-19нинг пневмония билан асоратланган ҳолда кечишидаги беморларда дифференциал диагностикаси самарадорлигини баҳолаш натижалари келтирилган.

II гуруҳдаги COVID-19 билан касалланган 326 бемор текширилди. Улардан 102 таси (31,2%) II А кичик гуруҳга, COVID-19 билан ўпканинг оғир шикастланиши бўлган 224 та (68,7%) беморлар (6-сонли 07/31/2020-сонли протокол бўйича) II Б кичик гуруҳга киритилган.

